

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 12-ҳадис

* Ҳадиси мустаҳкам "Саҳиҳ Муслим" аз Саъд бн Абӣ Уқас Ҷаъиди Раъзи Аллоҳ аз ӯ қалъ: "Ҷаъ Абъраби илӣ Расул Аллоҳ Сали Аллоҳ алайҳи Усалим Фқалъ: Алмни қлама Ақула, қалъ: қлъ: ла илҳ илаллоҳ Уҳда ла Шриқ лә, Аллоҳ Ақбар қбвра, Уалһмад Аллоҳ қннра, Усбһан Аллоҳ Рб алмнн, ла һул Ула қуә илаллоҳ алъзвр алһқнм, қалъ: Фһулаъ Лрбн Фма лн? қалъ: қл Алһм агфр лн Уарһмнн Уаһднн Уарзқнн."

12/12. Саъд ибн Абӯ Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Менга бир калом ўргатинг, айтиб юрай», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، اللَّهُ أَكْبَرُ كَبِيرًا وَالْحَمْدُ لِلَّهِ كَثِيرًا وَسُبْحَانَ اللَّهِ رَبِّ
الْعَالَمِينَ لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

«Ла илаҳа илаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳ, Аллоҳу акбар қабийро валҳамду лиллаҳи қасийро ва субҳаналлоҳи роббил ғаламийн, ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил ғазийзил ҳақийм», деб айт», деб ўргатдилар.

(Маъноси: Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яққаю ёлғиздир. Унинг шериги ҳам йўқ. Аллоҳ жуда буюк, Аллоҳга чексиз ҳамд бўлсин, оламлар рабби Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир, ал-Азиз ва ал-Ҳақим бўлган Аллоҳдан ўзгада ўзгартириш ҳам, қувват ҳам йўқ.) Кейин ҳалиги аъробий: «Эй Расулуллоҳ, бу айтганларингиз Раббим учун, мен учун-чи?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاهْدِنِي وَارْزُقْنِي

«Аллоҳуммағфир лий варҳамний ваҳдиний варзукний» деб, айт», дедилар».

(Маъноси: Аллоҳим мени мағфират қил, менга раҳм айла, мени ҳидоят эт, мени ризқлантир.)

Имом Муслим ривоятлари.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI